Меҳнат таълими дарсларида педагогик технологиянинг талқини.

Таълимда интерактив методларни қўллашнинг асосий мақсади ўқувчиларни фаол таълим олиш жараёнига жалб қилишдан иборат. Интерактив методларнинг асосида ўқитувчи билан ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолиятигина эмас, балки таълим олаётган ҳар бир ўқувчи билан бошка ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкорликдаги дидактик фаолият кўрсатиши туради.

Шу сабабдан биз ўқувчиларга таълим-тарбия беришда, айниқса, қуйидаги жиҳатларни алоҳида ўрганишимиз лозим:

- боланинг интеллектуал салоҳияти;
- дастурга муносабати, унинг мазмунини билиши;
- боладаги физиологик хусусияти;
- ўқитувчиларнинг имконияти ва дунёқараши, янгиликларни дарсларда қўллаш имконияти;

Меҳнат таълими дарсларида масалан «Меҳнат таълими машғулотларининг моддий техникавий таъминоти» мавзусида «Бумеранг технологияси»дан фойдаландик. Бунинг учун ўқувчилар дарс жараёнида мустақил ўқишлари, ўрганиб олишлари учун мўлжалланган тарқатма материаллар янги мавзу бўйича қисқа матнлар тарқатилди. Ушбу технология бўйича ўқувчилар кичик гуруҳларга ажратилди.

Тарқатма материаллар

1- гуруҳга: Меҳнат таълимида қанақанги хом ашё таъминоти ишлатилади?

2- Гуруҳга: Меҳнат таълимида қанақа асбоб ускуналар ишлатилади?

3- Гуруҳга: Материллар хусусиятлари турлари ҳакида маълумот беринг.

4- Гуруҳга: Металл материаллар ҳақида маълумот беринг.

Гуруҳлар тарқатма материаллардан фойдаланиб матнларни ўргандилар. Сўнгра ҳар бир гуруҳ аъзоларидан янги гуруҳ ташкил этилди. Янги гуруҳ

аъзоларининг ҳар бири гуруҳ ичида навбати билан мустақил ўрганган матнлари билан ахборот алмашдилар, яъни бир-бирларига сўзлаб бердилар, матнларни ўзлаштириб олишларига эришдилар. Янги гуруҳ аъзолари дастлабки ҳолатдаги гуруҳларга қайтдилар. Ўқувчилар томонидан барча матнлар қай даражада ўзлаштирганлигини аниқлаш мақсадида ўқувчиларга саволлар билан мурожаат этилди, оғзаки сўров ўтказилди. Саволларга берилган жавоблар асосида гуруҳларнинг тўплаган умумий баллари аниқланди. Ҳар бир гуруҳ аъзоси томонидан гуруҳдаги матннинг мазмунини ҳаётга боғлаган ҳолда биттадан савол тузилди.

- Табиий материал деб қанақанги материалларга айтилади?
- Сунъий материал деб қанақанги материалларга айтилади?
-Синтетик материал деб қанақанги материалларга айтилади?
- Ёғоч матераллар ҳакида маълумот беринг.
- Қора металлар қаерларда ишлатилади?
-Металл сўзининг маъноси нима?
-Газламалар қандай материаллардан тўқилади?
- Моддий техникавий таъминотига нималар киради?

Гуруҳлар томонидан тайёрланган саволлар орқали савол-жавоб ташкил этилди. Гуруҳ аъзолари томонидан тўпланган умумий баллар йиғиндиси аниқланди. Гуруҳ тўплаган умумий баллар гуруҳ аъзолри ўртасида тенг тақсимланди. Мазкур технология орқали бир машғулот давомида ўқувчилар ўкув материалини чуқур ва яхлит ҳолатда ўргандилар. Интерактив усулларни қўллаш ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида соғлом рақобатни вужудга келтириб, ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасини оширишга ва таълим сифатининг янада яхшиланишига катта имконият яратади. Шуни унутмаслик керакки, илғор фикрлар ютуқлар гарови бўлибгина қолмай, келажакни ҳам белгилайди. Унинг натижаси эса баркамол авлодни вояга етказади.

З. Атамуродова Қашқадарё ВХТХҚТМОИ Амалий фанлар ва мактабдан ташқари таълим кафедраси ўқитувчиси.